2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 191 (980), 2023 йил 19 сентябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ХУСУСИДА ФИКР АЛМАШИЛДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлиб турибди.




Президент Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрига ташрифи доирасида 18 сентябрь куни ўзига ажратилган қароргоҳда Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель, “GE HealthCare” компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги президенти ва бош ижрочи директори Роб Уолтон, “Oppenheimer” инвестиция компанияси бошқарувчи директори Жон Тонелли, “Cerberus” компанияси вице-президенти Брайан Хук, “CNH” компанияси вице-президенти Стив Надерни, “Cintana” компанияси раҳбари Дуглас Беккер, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, “Air Products” компанияси бошқаруви раиси, президенти ва бош ижрочи директори Сейфи Гасеми ва Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристалина Георгиева билан учрашув ўтказди.

Шарль Мишель билан учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатларда бугун ғоят юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Еврокенгаш раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи, “ЕИ — Марказий Осиё” форматидаги саммитлар, Ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференция ва иқтисодий форумлар муваффақиятли ўтказилди.

Йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айланмаси ҳажми 35 фоизга ошди, Европанинг етакчи компаниялари билан биргаликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, муҳим маданий тадбирлар уюштирилмоқда.

Учрашув чоғида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кооперацияни, шу жумладан, узоқ муддатли икки томонлама ҳужжатларни қабул қилиш орқали чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Еврокенгаш Президенти Шарль Мишель Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни илгари суриш, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон раҳбари етакчи роль ўйнаётганини қайд этди.

Самарали халқаро транспорт йўлакларини, хусусан, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият, шу жумладан, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Бўлажак кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

“GE HealthCare” компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги президенти ва бош ижрочи директори Роб Уолтон билан учрашувда корпорациянинг мамлакатимизда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режалари муҳокама қилинди.

Дунёнинг индустриал гиганти бўлган “General Electric” корпорацияси стратегик шериклик доирасида Ўзбекистон корхоналари билан инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, замонавий юқори технологик ускуналарни етказиб бериш ва уларни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ниятида.

“GE HealthCare” компанияси президенти Роб Уолтон соғлиқни сақлаш соҳасида кардиографлар ишлаб чиқариш, скрининг ва кардио ахборот тизими йўлга қўйилишини таъкидлади. Бундан ташқари, инвестор Ўзбекистонда Миллий тиббий маълумотлар архивини яратишда иштирок этишни режалаштирмоқда.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

1994 йилда “General Electric” таркибида ташкил этилган “GE HealthCare” бош қароргоҳи Чикагода жойлашган тиббий технологиялар соҳасидаги трансмиллий компания. Корпорация активлари қарийб 28 миллиард долларни ташкил этади.

“Oppenheimer” инвестиция компанияси бошқарувчи директори Жон Тонелли билан учрашув ҳам самарали бўлди.

Активлари қиймати 36 миллиард доллар бўлган ушбу йирик инвестиция банкининг сармоясини жалб қилган ҳолда мамлакатимизда лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Жон Тонелли мамлакатимизда саноат қувватларини ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан келишувларга эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Биринчи босқичда тўқимачилик кластерлари, қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожлантириш, Тошкент шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш мўлжалланган.

Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга инвестиция йўналтириш кўзда тутилган.

Президентимиз ушбу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фурсатда амалий ишларни бошлашга топшириқ берди.

“Cerberus” компанияси вице-президенти Брайан Хук билан учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Активлари қиймати 60 миллиард доллардан зиёд бўлган глобал инвестиция корпорацияси коммуникациялар тармоғи, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш лойиҳаларига тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтиришни режалаштирган.

Вице-президент Брайан Хук илк ҳамкорлик лойиҳалари жорий йилнинг охирига қадар бошланишини таъкидлади.

Учрашув якунида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Активлари қиймати қарийб 50 миллиард доллар бўлган “CNH” трансмиллий компанияси қишлоқ хўжалиги машинасозлигида Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкоридир. Машҳур “Case” ва “New Holland” брендлари остида йўл қуриш ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаради.

Учрашувда вице-президент Стив Надерни компаниянинг тармоқдаги бир қатор саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва модернизация қилиш, комбайн ва пахта йиғиш машиналарини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шу жумладан, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ҳамда лизинг тузилмаларига тўғридан-тўғри молиявий ресурслар ажратиш режаларини баён қилди.

Президентимиз компаниянинг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги режаларини қўллаб-қувватлади.

“Cintana” компанияси Аризона давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, дунёнинг 30 мамлакатида фаолият юритади, университетларда таълим сифатини ошириш билан шуғулланади.

“Cintana” асосчиси ва раиси Дуглас Беккер Аризона давлат университети билан ҳамкорликда мамлакатимизда Америка технологиялар университетини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.

2024 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш, инжиниринг, архитектура ва дизайн каби йўналишларда малакали кадрлар тайёрлашни бошлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу режаларни маъқуллаб, Ўзбекистон таълим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм билан учрашди.

Тадбирда “GE HealthCare”, “Oppenheimer”, “Cerberus”, “CNH” ва “Cintana” корпорациялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон етакчиси учрашув иштирокчиларини Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ташкил этилганининг 30 йиллиги билан табриклаб, ушбу тузилма икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил 15 сентябрь куни Вашингтон шаҳрида АҚШнинг 250 дан ортиқ компания ва банклари вакиллари иштирокида ўтган қўшма бизнес-форумининг самарали якунлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Палата раиси Кэролин Лэмм давлатимиз раҳбарига Америка бизнесининг мамлакатимизга қизиқиши ва ишончи ошишига хизмат қилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги сиёсий етакчилиги учун миннатдорлик билдирди. Кейинги бир неча йилда палата таркибига АҚШнинг йирик компаниялари киргани, уларнинг умумий сони 50 тага етгани таъкидланди.

Учрашувда АҚШ бизнесининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги аниқ режалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл харита”ларини қабул қилишга келишиб олинди.

“Air Products” компанияси бошқаруви раиси, президенти ва бош ижрочи директори Сейфи Гасеми билан учрашувда АҚШ Давлат котибининг энергетика масалалари бўйича ўринбосари Жеффри Пайетт ҳам иштирок этди.

АҚШнинг етакчи компанияси билан стратегик шерикликни янада кенгайтириш масалалари, жорий лойиҳаларнинг бориши ва истиқболга мўлжалланган аниқ режалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда юртимизда “Air Products” томонидан “Uzbekistan GTL”да саноат газларини қайта ишлаш, “Навоийазот” негизида синтез-газ, кислород ва азот, суюлтирилган карбонат ангидрид ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Кейинги икки йилда ушбу лойиҳаларнинг давоми сифатида компаниянинг 1 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари жалб қилинди.

Суҳбатда кўмирни газлаштириш, техник газлар, водород ва аммоний ишлаб чиқариш ҳамда аччиқ газларни утилизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

“Air Products” экспертлари карбонсизлаштириш соҳасида зарур норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда ҳам қатнашади.

Бундан ташқари, лойиҳалар портфелидан озиқ-овқат саноатига инновацион ишланмаларни жорий қилиш ўрин олган.

Учрашув якунида “Air Products” компаниясининг Ўзбекистон учун қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган янги инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича келишувлар алмашилди.

Ўзбекистон — АҚШ кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси ва мамлакатимиздаги ортга қайтмас ислоҳотларни қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Air Products” бошқаруви раиси Сейфи Гасемига юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристалина Георгиева билан учрашувда глобал иқтисодий вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди. ХВФ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, шу жумладан, жорий йил июнь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган икки томонлама учрашувда эришилган келишувлардан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Фонд раҳбари Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислоҳотлар дастури натижаларига юқори баҳо берди ҳамда мамлакатимиздаги самарали янгиланишларни илгари суришда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув чоғида ХВФнинг юртимиз молия соҳаси барқарорлигини комплекс таҳлил қилиш, иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда консалтинг кўмагини кўрсатиш ҳамда мамлакатимиз идоралари мутахассисларининг салоҳиятини юксалтириш дастурини амалга оширишдаги иштирокига доир масалалар муҳокама қилинди.

Амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларида яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан учрашди.

Очиқ ва жонли мулоқот шаклида ўтган тадбирда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакатимиз модернизациясига кўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият борлигига эътибор қаратди.

Ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотлар мисли кўрилмаган юқори даражага чиққан Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, хорижда ўзбек тили курсларини ташкил этишга кенг кўмаклашиш, ватандошлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларини зиёрат қилиши учун махсус туризм хизматлари тўпламларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

— Биз таълим, тиббиёт, иқтисодиётда олиб бораётган янгиланишлар натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис қилиши керак. Сизлардек хорижда ўқиган, йирик компанияларда ишлаб, тажриба орттирган юқори малакали мутахассислар ҳам юртимизга қайтиб келиши ва бутун салоҳияти билан Янги Ўзбекистонни барпо этишда иштирок эта олишлари учун барча шароитни яратишимиз керак, — деди Президентимиз. — Бугун шу ердаги ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўшиш иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда кутиб қоламиз.

Учрашув иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган туб ва кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Катта компанияларда ишлаётган ва нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқиётган ватандошлар ўз фикр ва таклифларини билдирди. Жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қаратилаётган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдириб, ватандошлар Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса қўшишга тайёрлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**







## БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ИККИ ТОМОНЛАМА ВА КЎП ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисидаги иштироки доирасида Нью-Йорк шаҳрида "С5+1" форматида бўлиб ўтадиган биринчи олий даражадаги саммитда қатнашади.**

"С5+1" формати Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ўртасидаги кўп томонлама мулоқот платформасидир. Ушбу мулоқот 2015 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида минтақа давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувида бошланган эди. Бундан кўзланган мақсад долзарб масалалар юзасидан доимий фикр алмашиш, шунингдек, минтақавий савдони яхшилаш, транспорт-энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экологик муаммоларга, экстремизмга қарши курашиш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш билан изоҳланади.

"С5+1" мулоқоти вазирларининг биринчи учрашуви якунлари бўйича Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация қабул қилинган бўлиб, унда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқлиги, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг мунтазам алоқаларни давом эттиришга тайёрлиги қайд этилган.

Бугунги кунга қадар вазирларнинг 12 та учрашуви бўлиб ўтди. 2021 йил сентябрь ойида "С5+1" мамлакатлари вазирлари иқлим ва атроф-муҳит масалаларини муҳокама қилиш учун биринчи марта учрашдилар.

"С5+1" формати доирасида Марказий Осиёда хорижий жангариларга ва радикаллашув жараёнларига қарши курашиш, тадбиркорликни ва келажак энергетика жабҳасини ривожлантириш, транспорт, савдо йўлакларини такомиллаштириш ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича миллий режаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар семинарлар, конференция ва тренинглар шаклида ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2022 йил апрель ойида "С5+1" форматидаги ўзаро ҳамкорликни институционализациялаштириш мақсадида ушбу платформа котибияти иш бошлади. Унинг асосий мақсади "С5+1" формати доирасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ўтказилаётган тадбирларнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборатдир.

"С5+1" доирасида муайян йўналишларда ўзаро ҳамкорликни муҳокама қилиш учун ҳар йили уч йўналиш — иқтисодиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетика ҳамда хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари ўтказиб келинмоқда.

Марказий Осиё Ўзбекистон томонидан ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилангани боис, "С5+1" формати доирасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу минтақадаги ижобий интеграция жараёнларига бевосита таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мазкур формат доирасидаги самарали ҳамкорлик баробарида Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама ҳамкорлиги изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Президентининг АҚШга 2018 йил 15-17 май кунлари бўлиб ўтган биринчи расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврига асос солди.

Сўнгги олти йилда юқори даражадаги делегациялар алмашуви, идоралараро ва парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлик фаоллашди.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатасида АҚШ — Ўзбекистон муносабатларини фаоллаштириш тарафдори бўлган конгрессменларнинг норасмий гуруҳи — "Ўзбекистон бўйича кокус" ташкил этилган бўлиб, у доимий фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. "General Electric", "General Motors", "Hyatt", "John Deere", "Boeing", "Honeywell", "Coca Cola", "Calatrava", "Silverleaf" ва бошқа концерн ҳамда компанияларнинг мамлакатимизда фаол ишлаётгани муваффақиятли иқтисодий ҳамкорликка мисол бўла олади.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган муваффақиятларини ҳам эътироф этади. Мамлакатимизда амалга оширилган туб ислоҳотлар туфайли "Cotton Campaign" халқаро нодавлат ташкилотининг ўзбек пахтасига қўйилган бойкоти бекор қилинди.

Бугунги кунда АҚШда Ўзбекистоннинг минглаб фуқаролари ишлаб, таҳсил олмоқда. Улар ўз урф-одатлари ва маданиятини авайлаб-асраш, диаспора ва маданий уюшмалар доирасида яқиндан мулоқот қилиш имконига эга.

Тошкент ва Сиэтл, Бухоро ва Санта-Фе, Зарафшон ва Клинтон шаҳарлари ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқалари маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон бу ҳамкорликни нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматда ҳам кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор.

14 сентябрда Душанбеда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Бугун эса минтақа давлатлари раҳбарлари Марказий Осиё салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг равнақи йўлида АҚШ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишга тайёрдир.

**"Дунё" АА**

## "ЎЗБЕКИСТОН — 2030" СТРАТЕГИЯСИ

# РИВОЖЛАНИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори**

**2023 йил 11 сентябрь Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида тараққиётнинг кейинги босқичига ўтиш учун асос бўлувчи муҳим ҳужжат қабул қилинган кун сифатида ёдда қоладиган бўлди. Боиси, шу куни Президентимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Эътиборли ва эътирофли жиҳати, 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган стратегия орттирилган тажриба, халқаро экспертиза ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилди.**

Таъкидлаш жоизки, стратегия барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитлар яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлат барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий ғояларни ўз ичига олган.

Мазкур йўналишлар доирасида келгуси етти йилда иқтисодиёт ҳажмини икки баробар ошириш, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард доллар, аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш, макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни зарур даражадаги энергетика, сув ва инфратузилма ресурслари билан таъминлаш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш мақсад қилинган.

Шунингдек, ҳужжатга кўра, аҳолига тиббий хизматларни янада яқинлаштириш борасидаги ислоҳотлар натижасида 350 минг нафар диабет ва 1,5 миллион юрак-қон томир касаллиги бор беморлар даволаш билан тўлиқ қамраб олинади. Гўдакларда ирсий касалликлар бўйича селектив скрининг текширувлар қамрови камида 50 фоизга оширилади. Натижада болалар ўртасида ирсий касалликлар 2 баробар қисқаради.

Келгуси йилларда гўдакларни микронутриент кукуни, ёш болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар, йод, хотин-қизларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминлаш ишлари ривожлантирилади. Натижада юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг тарқалиши 20 фоизга қисқаришига эришилади.

> **"Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимиз ривожининг муҳим фундаментал асосларини ўзида қамраб олган фаолиятимизнинг устувор вазифаларини белгилаб беради. Халқаро ҳамжамиятнинг кўз ўнгида давлатимиз мавқеи ва обрўсини янада мустаҳкамлаш, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилади.**

Бу даврда тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли мурожаатларининг 70 фоизини бирламчи бўғиннинг ўзидаёқ ҳал қилишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган стратегик ҳужжатлар ва олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови сўнгги 5 йилда 27 фоиздан 72 фоизга етди. Мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 минг 211 тадан 29 минг 420 тага ошди. Мазкур саъй-ҳаракатлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг тегишли мақсад ва кўрсаткичларида ҳам акс этган. Унга мувофиқ, мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда қамров даражасини 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Эътироф этиш керакки, ўтган йилларда халқ билан мулоқот қилиш, инсон дарди, муаммоларини самарали, ижобий ва тезкор ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Хусусан, давлат органларининг аҳоли билан бевосита мулоқоти йўлга қўйилди. Бу аҳолининг давлат органларига нисбатан муносабатини ўзгартирмоқда, фаоллик, ислоҳотларга бўлган ишончини кучайтирмоқда. Энг муҳими, фуқаролар томонидан давлат органлари олдига масала қўйиш имконияти ортиб бормоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди. Комиссия стратегия доирасидаги ислоҳотлар бўйича тадбирларнинг аҳоли томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар асосида сифатли амалга оширилиши, белгиланган кўрсаткичларга эришилишини назорат қилиб боради.

Шунингдек, стратегиядаги мақсад ва кўрсаткичларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрганиш мақсадида махсус онлайн портални ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан юритиладиган ушбу портал орқали юртдошларимиз стратегиянинг ижроси, шунингдек, ҳар бир мақсад ва кўрсаткичлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини қолдириш ҳамда таклифларини билдириш имкониятига эга бўлади.

"Тараққиёт стратегияси" маркази аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва ташаббусларни ўз вақтида умумлаштириб, таҳлил қилади, чора-тадбирларнинг ижроси бўйича тизимли мониторинг юритиб, натижаларини ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб боради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимиз ривожининг муҳим фундаментал асосларини ўзида қамраб олган фаолиятимизнинг устувор вазифаларини белгилаб беради. Халқаро ҳамжамиятнинг кўз ўнгида давлатимиз мавқеи ва обрўсини янада мустаҳкамлаш, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилади.

## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

# ОДАМЛАРНИ УЙҒОТГАН ВА БИРЛАШТИРАЁТГАН ЛОЙИҲА

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

**Ўтган ҳафта охирида "Ташаббусли бюджет"нинг бу йилги иккинчи мавсуми ғолиблари эълон қилинди. Ғолиб бўлган ҳудудларда яшовчи одамлар ғалабани худди катта байрам каби нишонлади. Улар кўчаларда тўпланиб, карнай-сурнай ҳамда жўшқин мусиқалар садосига роса рақсга тушди, бир-бирини қутлади. Чунки улар бирдамлик билан мисқоллаб овозлар йиғди ва самарасини кўрди.**

Бу жараён 2019 йилдан буён Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Очиқ бюджет" порталидаги "Ташаббусли бюджет" ва "Менинг йўлим" бўлимлари орқали амалга ошириб келиняпти. Ушбу электрон тизимлар ёрдамида фуқаролар маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, хиёбонлар, болалар ва спорт майдончалари, ички йўлларни қуриш, улар ёритилишини таъминлаш, боғча, мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш каби масалалар бўйича лойиҳаларни таклиф қилиб, овоз бериш йўли билан маҳаллий бюджетнинг тақсимланишида иштирок этиши учун имконият яратилган.

Бу йилги "Ташаббусли бюджет"нинг иккинчи мавсумига 17 июль куни старт берилди ва 15 сентябрда овоз бериш жараёни якунига етди. Ҳар бири 20 кун давом этадиган амалдаги жараёнга кўра, унинг дастлабки босқичида фуқаролар ўз таклифларини илгари сурди, иккинчисида мазкур таклифлар модерациядан ўтказилди, яъни сараланди. Учинчисида сараланган таклифлар овоз беришга қўйилди. Овоз бериш жараёни якунларига кўра, ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва улар берилган овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб саралаб олинади ҳамда лойиҳага мўлжалланган маблағдан келиб чиққан ҳолда молиялаштирилади.

— Президентимизнинг шу йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда "Маҳалла бюджети" тизимини жорий этиш вазифаси қўйилган, — дейди Тошкент молия институти доценти Абдураҳмат Боймуродов. — Бунда туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгиланди.

"Ташаббусли бюджет" амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилади.

Мамлакатимиз аҳолиси 36 миллиондан ортиқ бўлса, 20 миллиондан зиёди овоз бериш ҳуқуқига эга. "Ташаббусли бюджет"нинг жорий йил биринчи мавсумидаги овоз беришда 16 миллион 129 минг 764 фуқаро иштирок этган. Бу жами аҳолининг қарийб 45 фоизи демакдир. Иккинчи мавсумда эса ташаббусларни қўллаб-қувватлаб 18 миллион 115 минг 86 та овоз берилган. Демак, жараёнда юртимиз аҳолисининг эллик фоизи қатнашган.

Таққослайдиган бўлсак, 2021 йилда ўтказилган овоз бериш жараёнида 1,1 миллион фуқаро қатнашган бўлса, 2022 йилнинг дастлабки мавсумида улар сони 6,7 миллиондан зиёдроқ бўлган эди.

Бу кўрсаткичлар аҳолининг "Ташаббусли бюджет"дан жой олган лойиҳаларга дахлдорлиги, жараённинг холис ва ошкора ўтишига, ғолиб чиққан таклифларнинг қисқа фурсатда амалга ошишига бўлган ишончини яққол намоён этиб турибди.

Таҳлилчиларнинг билдиришича, сўнгги 30 йил ичида мамлакатимизда аҳолини бунчалик даражада қамраб олган ижтимоий воқелик кузатилмаган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, жорий йил иккинчи мавсум учун ўтказилган танловда 1 минг 12 та маҳалладан 1 минг 187 лойиҳа ғолиб бўлди. Ажратилган маблағнинг умумий миқдори 1 триллион 314 миллиард 565 миллион 965,5 минг сўмни ташкил этади. Энг юқори натижани 20 минг 120 овоз билан Андижон вилояти Балиқчи тумани "Шерobod" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мустақиллик кўчасига асфальт қопламаси ётқизиш лойиҳаси (1 миллиард 320 миллион сўм) қайд этди.

Илгари сурилган таклифларнинг 15 минг 140 таси (31 фоиз) ички йўллар, 14 минг 835 таси (30 фоиз) маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, 6 минг 820 таси (14 фоиз) мактаблар, 3 минг 24 таси (6 фоиз) боғчалар, 3 минг 100 таси (6 фоиз) тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича бўлди. Ғолиб лойиҳалар орасида ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш борлиги (446 та) энг оғриқли йўналиш ҳали-ҳамон шу соҳа эканини кўрсатади.

Хусусан, "Менинг йўлим" лойиҳаси бўйича ўтказилган бу йилги овоз бериш жараёнида қарийб 8 миллион 94 минг фуқаро иштирок этди. Унинг натижаларига кўра, 517 лойиҳа ғолиб топилди. Уларни молиялаштириш учун 410 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ йўналтирилди. Натижада 3 миллион 600 минг аҳолининг мушкули осон бўлди.

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budget" Portali

> **Президентимиз шу йил 12 сентябрь куни йўл хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда энди ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Очиқ бюджет" платформасидаги "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилиши юзасидан кўрсатма берди.**




Президентимиз шу йил 12 сентябрь куни йўл хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда энди ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Очиқ бюджет" платформасидаги "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилиши юзасидан кўрсатма берди.

— Энди қаерда ички йўл қуриш, қайсини таъмирлашни одамларимизнинг ўзи ҳал қилади. Шундай қилсак, лойиҳани танлаб олишда ва сифатни таъминлашда очиқлик бўлади, тўлиқ жамоатчилик назорати ўрнатилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Келгуси йил мазкур дастур учун камида 800 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Демак, ажратилаётган маблағ ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ошади.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи мавсумида ғолиб бўлган лойиҳалар орасида иккинчи ўринда умумтаълим мактаблари (236 та), учинчи ўринда соғлиқни сақлаш муассасалари (217 та)ни таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш тадбирлари турибди. Қолганларини (288 та) бошқа ижтимоий иншоотлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар айнан қайси соҳалар кўпроқ эътиборга муҳтожлигига ташхис қўйиб беряпти.

Вилоятлар кесимида энг кўп, яъни 122 та лойиҳа билан Тошкент вилояти, иккинчи ўринни Самарқанд вилояти (113 та ), учинчи ўринни 100 та таклиф билан Қашқадарё вилояти эгаллаган. Кейинги поғоналарда Тошкент шаҳри (98), Фарғона вилояти (97), Қорақалпоғистон Республикаси (92), Наманган (84), Андижон (83), Сурхондарё (77), Бухоро (74), Сирдарё (73), Хоразм (66), Навоий (58) ва Жиззах вилояти (50) турибди.

Жорий йилда маҳаллаларга ажратилаётган маблағ кўлами 25 триллион сўмга етказилиши, "Ташаббусли бюджет" дастури доирасида бюджетдан ўтган йилдагига қараганда 3,5 баробар кўп — жами 8 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилган. Шундан 2 триллион сўми мазкур жараёнлар учун туман ва шаҳар бюджетларида режалаштирилган, 4 триллион сўми эса "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини жамоатчилик фикри асосида шакллантиришга мўлжалланган.

— Аслида, бундан тўрт йил олдин бундай имконият ва кўрсаткичларни тасаввур этиб бўлмас эди, — дейди ҳуқуқшунос Шокир Тошқулов. — Қолаверса, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ масалалар ечимига ажратилган маблағлар керакли манзилга етиб бормаслиги, бу борада улар иштироки ва назоратининг йўқлиги муаммолар тўпланиб қолишига сабаб бўларди. Яъни ҳар бир солиқ тўловчи ўз "бурчи"ни бажарарди, аммо бюджет, айниқса, маҳаллий бюджет маблағларининг қаёққа ва қандай сарфланишидан бехабар қоларди. Уларни тақсимлашдаги жамоатчилик иштироки ва назорати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Энди одамлар шу жараёнда бевосита ўзи иштирок этяпти. Энг муҳими, улар бундай лойиҳаларга дахлдор бўлиб, бунёд қилинган инфратузилмадан фахрланиб, уларни асраб-авайлаб фойдаланяпти. Аҳолининг "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига ва унинг шаффофлигига ишончи катта. Чунки узоқ йиллар давомида ҳал этилмай келинган жойлардаги ижтимоий муаммолар қисқа муддатда ечимини топяпти, ҳамжиҳатликда кўтарилган ва овоз берилган таклифлар натижасидан ўзлари баҳраманд бўляпти.

Ҳақиқатан, "Очиқ бюджет" лойиҳалари кўлами тобора кенгайиб, унинг ҳар бир жараёнига ажратилаётган маблағ миқдори ҳам ортиб боряпти. Шунга қарамай, бу жараён айрим муаммо ва камчиликлардан холи эмас. Хусусан, фуқаролар томонидан турли телефон рақамлари билан "фойдаланувчилар" захирасини шакллантириш ва овозлар сонини кўпайтириш ҳолатлари кузатиляпти.

Хуллас, эски "ҳангомалар" яна такрорланди. Хиёбон, кўча ва бозорларда овоз бериш эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул таклиф қилиш ҳолатлари яна кузатилди. Бундай ҳолатлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги зиммасига юклатилган "Очиқ бюджет" лойиҳасига доир жараёнларни холис овоз бериш, маъмурий аралашувларсиз ташкил этиш бўйича вазифалар тўлиқ ҳал этилмаётганидан, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишни ва уларни такомиллаштириб боришни тақозо этаётганидан далолат беради.

Қолаверса, ҳар бир лойиҳага овоз бериш жараёни фуқароларнинг ижтимоий онги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар биримиз ихтиёрий овоз бериш ҳуқуқига эгамиз. Ундан холис ва ҳаққоний фойдаланиш ўзимизга ҳавола этилаётган, бунинг учун барча шароитлар яратилаётган экан, овоз беришда ҳам уйғоқ бўлайлик. Шунда ободликка юз тутган кўча, мактаб ва боғчанинг ҳам қадр-қиммати баланд бўлади.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашувидаги нутқида илгари сурган ташаббуслар унинг минтақада яхши қўшничилик муносабатларини чуқурлаштириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича 7 йил аввал олға сурган ғояларининг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

НУҚТАИ НАЗАР

# ТЎҚЧИЛИКНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИ

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафта Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашувида иштирок этди ва унда минтақа давлатлари ўртасидаги келгуси ҳамкорлик истиқболлари бўйича қатор таклифларни илгари сурди. Ана шу таклифларнинг бешинчиси Марказий Осиё давлатлари аҳолисини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Минтақада айни пайтда салкам 80 миллион киши яшайди. Бунча кўп аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.**

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидладики, минтақамизда бу масалада қатор заиф нуқталар мавжуд: **“Булар аграр секторнинг илмий-технологик жиҳатдан етарлича ривожланмагани, сув ресурслари борасидаги ўткир тақчиллик, қўшимча қиймат яратишнинг узоқ ва самарасиз занжирлари, иқлим инқирози ва логистикадаги узилишлар олдидаги беқарорлик, соғлом овқатланиш масалаларидир”.**

Дарҳақиқат, минтақамиз давлатлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд камчиликлар уларнинг барчасига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Соҳанинг илмий-технологик жиҳатдан замондан орқада қолиб кетгани минтақа давлатларига аслида собиқ иттифоқдан мерос қолган. Мустақилликка эришилгандан кейин Марказий Осиё мамлакатлари бу масалага жиддий эътибор бера бошлади. Лекин муаммолар узоқ йиллар давомида йиғилиб қолгани сабабли уларни бирданига ҳал этиш қийин. Натижада ҳозирга қадар минтақа давлатларида айрим экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари паст. Чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги ҳам жаҳоннинг илғор давлатлари даражасига ета олмаяпти.

Минтақада сув ресурслари тақчиллиги ҳозирнинг ўзида сезилмоқда ва яқин келгусида долзарблиги тобора ортиб боравераді. Сув етишмаслиги минтақа давлатлари қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни сезиларли равишда камайтирмоқда, экин майдонларининг муайян қисмида деҳқончилик қилиш имкониятини пасайтирмоқда ёки бунга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнида қатор қийинчиликларни келтириб чиқаряпти, мазкур товарлар импорти кўпайишига сабаб бўляпти.

Аграр соҳанинг илмий-технологик жиҳатдан қолоқлиги минтақа деҳқон ва чорвадорлари меҳнатининг самараси пастлигига сабаб бўлаётган муҳим омиллардан бири. Етиштирилаётган ҳосилни чуқур қайта ишлаш қувватлари етарли эмаслиги ёки улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатсизлиги қўшимча қиймат яратиш имкониятларини пасайтирмоқда. Минтақа давлатлари манзил жиҳатидан ёнма-ён жойлашган, лекин қўшни давлатга тегишли бўлган мавжуд қувватларни ҳамкорликда ишлатиш имкониятидан фойдаланилмаётгани ҳар бир давлат қишлоқ хўжалигининг ичида қўшимча қиймат яратиш жараёнида узоқ ва самарасиз иқтисодий алоқалар, яъни занжирлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида маҳсулот таннархи ошиб, мазкур озиқ-овқат турини хориждан импорт қилиш арзон тушмоқда.

Охирги йилларда жаҳон миқёсидаги глобал муаммолардан бирига айланиб улгурган ва бугун ечимини топмасак, эртага жуда катта зарар кўришимиз мумкин бўлган иқлим инқирози ва унинг оқибатлари ҳам минтақа давлатлари қишлоқ хўжалиги ҳолатига ҳозирнинг ўзида жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади. Марказий Осиё давлатлари бу муаммога алоҳида эътибор қаратяпти, иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш борасида имкониятлари доирасида қатор тадбирларни амалга оширяпти. Лекин бу саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш талаб этилади.

Жаҳонда сўнгги йилларда юз бераётган глобал геосиёсий воқеалар туфайли Россияга нисбатан санкциялар киритилиши оқибатида маҳсулотларни экспорт ва импорт қилишда дунё давлатлари ўртасида узоқ йиллар давомида шаклланган мақбул логистик занжирлар ҳам узилди. Баъзи давлатларга тўғридан-тўғри ва бевосита товар сотиш йўлаклари ёпилиб қолди. Натижада мазкур давлатга маҳсулотни учинчи давлат орқали ташиб келишга ҳам мажбур бўлинмоқда. Бу эса экспорт қилинаётган товарлар таннархини ошириб, рақобатбардошлигини пасайтиряпти.

Аҳолини тиббиёт меъёрлари бўйича сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш минтақа давлатлари олдида турган энг муҳим муаммолардан бири. Жаҳонда озиқ-овқатнинг барча турлари бўйича аҳолисини ўзи тўла мустақил таъминлай оладиган давлатлар кам. Баъзан бунинг иложи бўлмайди ҳам. Кўп ҳолларда эса иқлим ёки бошқа объектив сабабларга кўра, қайсидир маҳсулотни ўзида ишлаб чиқаргандан уни хориждан импорт қилиш арзон тушади.



Давлатимиз раҳбари Душанбе учрашувидаги нутқида Марказий Осиё давлатлари аграр соҳалари олдида турган камчиликларни бартараф этиш борасида ҳам фикр юритди. Мавжуд муаммоларни ечишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади: **“Бу соҳада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий шериклик дастурини тайёрлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.**

**Таъкидлаб айтмоқчиманки, бизнинг мамлакатларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат минтақанинг ички бозоридаги мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, балки уларни экспорт қилишдек муҳим имкониятга ҳам эгадир”.**

Минтақа давлатлари биргаликда ҳаракат қилса, ҳамкорликни янада кенгайтирса, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш самарали ва осон кечади.

Зеро, Марказий Осиё ҳудуди узоқ асрлар давомида ягона давлат таркибида бўлган. Тўғри, бу маконда бир пайтнинг ўзида биттадан кўп давлат ҳукм сурган даврлар ҳам бор. Лекин битта давлат таркибида бўлганми ёки 3-4 та давлат бўлиб яшаганми, бундан қатъи назар, улар иқтисодиёти табиий иқлим, ер-сув, аҳолининг кўчманчи ёки ўтроқ ҳолда яшаши каби турли омиллар таъсири остида бир-бирини тўлдириб турадиган ягона ҳудудий комплекс ҳолида шаклланган. Собиқ иттифоқ парчалангунга қадар Марказий Осиё давлатлари ягона ҳудудий комплекс сифатида сақланиб турган. Тан олиш керакки, бу ҳолат беш давлатнинг иқтисодий манфаатларига мос келган.

Афсуски, 1992-2016 йиллар мобайнида бешта давлат ўртасида сунъий тўсиқлар пайдо бўлди. Натижада уларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари сусайди, бу эса барчага жиддий салбий таъсир кўрсатди. Асрлар давомида бир-бири билан эркин иқтисодий алоқалар қилиб келган чегара ҳудудларидаги қишлоқ ва шаҳарларнинг савдо-сотиқ ҳажми кескин қисқара бошлади.

Бу фикр тасдиғини Ўзбекистон — Қирғизистон иқтисодий алоқалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Чорва Қирғизистонда кўп, қардошларимиз кўпроқ шунга ихтисослашган. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари эса, асосан, Ўзбекистонда етиштирилади. Чегаралардаги аввалги тўсиқлар туфайли улар қўшни давлатга сотишга мўлжаллаб етиштирилган маҳсулотларини бир-бирига эркин сотиш имкониятини йўқотди. Бундан ҳар икки давлат зарар кўра бошлади.

2016 йилга қадар Марказий Осиё давлатларининг барчасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳолати деярли мана шундай эди...

Президентимиз бу ҳолатлар минтақа давлатлари ва халқларига жуда катта маънавий ва иқтисодий зарар келтираётганини чуқур ҳис қилган. Шу боис, лавозимга келгандан кейин дарҳол ташқи сиёсатни буткул ўзгартириб, ҳамма, айниқса, қўшни давлатлар билан алоқаларни тубдан кенгайтириш йўлини танлади.

Ўзбекистоннинг очиқ, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида сувдан фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, ички ва халқаро транспорт коммуникацияларидан самарали фойдаланиш, давлат чегараларидан ўтишни соддалаштириш каби деярли 25 йилдан бери ҳал бўлмай турган мураккаб муаммоларга ечим топила бошланди.

Натижада минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик даражаси шиддатли равишда ўсиш босқичига кирди. Масалан, 2017-2022 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро товар айланмаси 8,9 миллиарддан 20,8 миллиард долларга етди ёки 2,4 баробар ошди.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашувидаги нутқида илгари сурган ташаббуслар унинг минтақада яхши қўшничилик муносабатларини чуқурлаштириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича 7 йил аввал олға сурган ғояларининг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Ҳақиқатан, минтақа аграр секторидаги заиф нуқталарни саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва минтақавий шериклик дастурини тайёрлаш орқали бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур дастурни тайёрлашда БМТнинг бу борада катта халқаро тажрибага эга бўлган Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагига таяниш мумкин.

Ана шундай ўзаро манфаатли шериклик дастурини тайёрлаш ва уни амалга ошириш минтақа давлатлари қишлоқ хўжалиги олдида турган жиддий муаммоларни биргаликда ва самарали ҳал этишга ёрдам беради, аграр соҳа тараққиётини янги босқичга кўтаради, тармоқ самарадорлигини оширишга асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса Марказий Осиё давлатларининг 2022 йил якуни бўйича ҳажми 368 миллиард долларга тенг бўлган ялпи ички маҳсулоти сезиларли даражада ошишига замин яратади.

Айни пайтда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20,8 миллиард долларни ташкил қилади ёки бу кўрсаткич улар умумий ташқи савдосининг 9,4 фоизига тенг, холос. Таҳлиллар бу кўрсаткичнинг қардош давлатлар салоҳиятига мос эмаслигидан далолат беряпти.

Ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги бундай таклифлар амалга ошиши ўзаро ташқи савдо ҳажми ҳам кескин ортишига пухта асос яратади. Энг муҳими, ҳамкорликнинг кенгайиши Марказий Осиё давлатлари аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мустақил равишда биргаликда тўла таъминлаш имкониятини яратади, минтақа давлатларига озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишга чек қўяди ҳамда уларни хорижга экспорт қилиш ҳажмини кескин оширади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

# БИР ТУПРОҚНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**“Марказий Осиё руҳи”, “Яхши қўшничилик”... Мана, етти йилдирки, бу атамалар реал воқеликка айланиб, минтақа халқлари ҳаётига янгича мазмун-моҳият бағишлаб келмоқда. Ҳатто халқаро майдонда ҳам эътирофларга сазовор бўлиб, муҳим жараён сифатида тез-тез тилга олиняпти. Тўғриси, янги Ўзбекистоннинг минтақавий барқарорлик, тинчлик ва интеграция жараёнларини кучайтириш, азалдан қондошу қардош халқларнинг дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббуслари ва амалий қадамлари шарофати билан Марказий Осиёда бутунлай бошқача — ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳити вужудга келди. Бугун дунёда глобал буҳронлар, зиддиятлар, беқарорлик кузатилаётган бир пайтда бизнинг минтақада ҳукмрон бўлган осойишталик, ўзаро ишонч, дўстлик ва қардошлик алоқаларининг янги босқичга чиққани буюк неъмат, ноёб ҳодисадир.**

**Шоқаҳҳор САЛИМОВ,**
**журналист,**
**“Дўстлик” ордени соҳиби**



Аслида, инсон зоти азалдан эзгуликка, тинч-осойишта ҳаётга, баркамол жамиятда яшашга интилади. Мана шу объектив шароитни таъминлашда мамлакатлар раҳбарларининг пухта сиёсати бирламчи, ҳаттоки элнинг тақдирини белгиловчи роль ўйнайди. Яқин ўтмишимиздаги аянчли ҳолатлар — қўшни мамлакатларда яшаётган қариндошларимизнинг ширин дийдоридан маҳрум бўлиш, сув ва энергетика масалаларидаги келишмовчиликлар, транспорт ва логистика муаммоларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Юқорида тилга олинган оғриқли масалаларни ҳал этишда Президент Шавкат Мирзиёев қатъий ва дадил қадамлар қўйгани, ташқи сиёсат борасида, энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик тамойили асосида муносабатларни изчил ҳаётга татбиқ этгани бутун минтақа аҳолиси учун айни муддао, савобли амал бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ҳокимият тепасига келгандаёқ қўшни давлатларга ташриф буюриб, раҳбарлари билан мулоқот ва музокаралар ўтказгани ва қатор муаммолар ечимига пойдевор қўйгани нафақат Ўзбекистоннинг янги солномасига ёзилди, балки минтақавий барқарорлик йўлида тамал тоши вазифасини бажарди. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз ижобий натижаларини бераётгани қувонарли ҳол, албатта. Чегараолди туманларда эркин иқтисодий зоналар фаолият юритаётгани, сув ва энергетика манбаларидан оқилона фойдаланиш механизмлари такомиллашгани ҳам фаровонликка хизмат қилади.

Яқинда Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашувидаги нутқида Президентимиз кўплаб муҳим ғоя ва таклифларни баён этди.

Минтақа давлатлари ўртасида ҳар қандай соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва изчил амалга татбиқ этиш учун ўта муҳим омил мавжуд. Бу тарихан шаклланган, руҳият оламимизга сингиб кетган бир-бирига яқин қадриятлар ва қардошлик ришталаридир. Тарихий-адабий меросимиз эса бутун бир организмга ўхшайди. Бу организмни кичик органларга бўлиб олсак, яхлит ва бутун организм илдизлари қурийди. Айтмоқчимизки, Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий жиҳатдан, балки тарихи ва тақдири муштарак ягона маданий макон ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан, мазкур саммитда Президентимиз **“Умумий тарих, урф-одат, маданият ва қадриятларга — Марказий Осиёнинг ноёб цивилизацияси муштараклиги ва ранг-баранглигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бизнинг энг муҳим анъанавий устувор йўналишимиздир”,** деб таъкидлаганида чуқур маъно бор. Шу фикрнинг мантиқий давоми сифатида яна қайд этдики, **“Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасини яратиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлади. Бунда умумий минтақавий контентни шакллантириш учун олимлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир”.**

Айнан мана шу йўналишни изчил татбиқ этишга, мазкур контентни дўстлик ва ўзаро тушуниш, бирлик туйғуларини мустаҳкамлашга биз — журналистлар, қалам аҳли салмоқли ҳисса қўшишимиз зарур. Бу борада бизда тарихий тажриба талайгина. Узоқ тарихимиз, адабий алоқалар бизга қанча хоҳласак, шунча сабоқ беради. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ва Мавлоно Жомийнинг беназир дўстлиги бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу икки буюк зот ҳақида суратга олинаётган бадиий фильм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ва яна қатор ташкилот ҳамда муассасаларнинг қўшни давлатлардаги турдош уюшма ва ташкилотлар билан ижодий-илмий ҳамкорликни йўлга қўйгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Биз тарихимиздан ибрат олишимиз керак. Мавлоно Жомий “Лайли ва Мажнун” достонида Ҳазрат Навоий ҳақида бундай олижаноб фикрларни айтган:

*Дўст агар дўстга*
*пайвандлик қилса,*
*Орзу-умид дарахти*
*унумдор бўлғай.*
*Умид хазинасининг*
*калити дўстдир,*
*Абадий айшнинг*
*хушхабарчиси дўстдир.*
*Мақсуди умр эмасми дўстлик.*
*Умр ичраки нур эмасми дўстлик?*
(Жонибек Қувноқ таржимаси).

Махтумқули, Абай, Бердақ, Айний, Ғафур Ғулом, Чингиз Айтматов... биз учун бегона эмас-ку! Давлат арбоби ва атоқли адиб Шароф Рашидов Мирзо Турсунзода билан учрашганида “У нафақат тожикларнинг Мирзоси, балки бизнинг — ўзбекларнинг Мирзомиз ҳам”, деган эди. Мана шундай ришталар ҳамкорлик алоқаларимизнинг оҳанрабосидир. Марҳум Шерали Жўраев ўз қўшиқлари билан минтақанинг миллион-миллион аҳолиси қалбидан жой олган эди. Одил Ёқубов, Примқул Қодиров бу йўлда катта заҳмат чекди.

Яна бир муҳим жиҳат, минтақавий тарихий масалаларга холисона ёндашув ҳам тарихий заруратга айланган. Бу борада атоқли адиб Чингиз Айтматов гўзал фикрларни айтиб ўтган эди: “Биз жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган халқлармиз. Янги замонда ҳам бир ёқадан бош чиқариб, бақувват “панжа” бўлиб, келажак авлодга, ёшларга буюк мерос қолдиришимиз аждодлар руҳини шод этади. Зеро, биз бир азим чинорнинг, бир обу ҳаво, бир тупроқнинг фарзандларимиз”.

**Давлатимиз раҳбарининг ҳокимият тепасига келгандаёқ қўшни давлатларга ташриф буюриб, раҳбарлари билан мулоқот ва музокаралар ўтказгани ва қатор муаммолар ечимига пойдевор қўйгани нафақат Ўзбекистоннинг янги солномасига ёзилди, балки минтақавий барқарорлик йўлида тамал тоши вазифасини бажарди. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз ижобий натижаларини бераётгани қувонарли ҳол, албатта.**



Қозоғистоннинг Сайрам тумани Қорабулоқ қишлоғида туғилган жамоат арбоби, икки марта Қозоғистон парламенти депутати Фахриддин Қоратоев Ўзбекистонда бўлиб ўтган бир неча сайловда, жумладан, жорий йил 9 июль куни Президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этган. У ҳар келганда суҳбатлашганимизда минтақа халқларининг бирлигини таъминлашда Шавкат Мирзиёев ташаббуслари ҳақида катта иштиёқ билан гапиради.

— “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилгани айни муддао бўлди, — деган эди у икки йил олдин. — Мана шундай жамоат тузилмалари, ўйлайманки, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Яна бир жиҳат: мен ҳар келганимда Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкент шаҳрини бошқача кўряпман. Ўзбекистон барқарор ривожланмоқда. Ўзбекистон минтақавий барқарорликни таъминлаш борасида бир эмас, бир неча ғояни илгари сурди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини мунтазам ўтказиб бориш улардан бири”.

Тўғри, мана шундай учрашувлар, давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий экспорт-импорт алоқаларини ривожлантириш айни вақтда маданий-гуманитар, яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бешинчи маслаҳат учрашувида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари яқин келажакда реал мазмун касб этишига ишонамиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

WORLD RESOURCES INSTITUTE

**Жаҳон табиий ресурслар институти (World Resources Institute) ва Буюк Британиянинг “Economist Intelligence Unit” ташкилоти тадқиқотларига кўра, 2040 йилга бориб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор. Мутахассислар фикрича, 2050 йилгача сув ресурслари юртимизнинг асосий сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида эса 15 фоизгача камайиши мумкин. Демак, буларнинг барчаси юқорида қайд этиб ўтганимиздек, йил сайин қурғоқчилик кучайиб, сув танқислиги муаммоси ортиб бораётгани ва бу жараён давом этишидан далолат беради.**



# “ТЕКИН”ДАН “ТИЛЛО”ГА ТЕНГЛАШАЁТГАН РЕСУРС

## МУАММОНИНГ КЎЛАМИ ҚАНДАЙ, ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ-ЧИ, ЕЧИМ НИМАДА?

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



**Бугун кундалик ҳаётимиз, турмушимиз фаровонлиги, иқтисодий тараққиётга эришишда уч асосий муаммоли ҳолат — энергетика барқарорлигига эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда глобал иқлим ўзгариши туфайли юзага келган сув тақчиллиги янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Буни шу йил 7-8 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференция ўтказилган, 14-15 сентябрь кунлари эса Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашуви ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида ушбу масалалар асосий муҳокама мавзуси бўлгани мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Аслида, буларнинг қай даражада муҳимлигини билиш учун ҳатто уларга доир статистика ҳам шарт эмас. Шунчаки ён-атрофингизга қаранг, ўзгаришларга разм солинг: юртимиз аҳолиси сони ошяпти, минглаб янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди ва бу жараён давом этмоқда. Демак, юртдошларимиз ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва албатта, сувга талаби ҳам табиий равишда ошмоқда.

Шу боис, айни йўналишларда, аввало, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, талабга нисбатан таклифни ошириш орқали экспортни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, юртимизда қуёш энергетикасининг техник салоҳияти унга бўлган эҳтиёждан 4 баробар, қуёш энергиясини ишлаб чиқариш салоҳияти эса 8 баробар кўп. Қуёш электр станцияларини қуриш орқали 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Мана шу каби табиий неъматдан самарали фойдаланиш, тобора ортиб бораётган эҳтиёжни тўлиқ ва узлуксиз қаноатлантириш мақсадида муқобил энергетика — шамол, қуёш ва сув оқимлари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Йирик дарё ва каналларда катта ва кичик ГЭСлар барпо этилаётган бўлса, деярли барча ҳудудларда шамол ва қуёш фотоэлектр станциялари қуриляпти. Шунингдек, давлат идоралари ва ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли хонадонларида ҳам қуёш панелларидан фойдаланиш оммалашяпти.

Қуёш электр станциялари томонидан 2015 йилда 0,003 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 445,7 миллион киловатт-соатга етди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Бинобарин, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция, умуман, аграр сектордаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Жумладан, 2017 йилда 1 миллион 133 минг гектарда парваришланган бошоқли дон экинларидан 6,4 миллион тонна ҳосил олинган бўлса, 2022 йилда экин майдони 101 минг гектарга қисқаргани ҳолда ялпи ҳосил 800 минг тоннага кўпайган. Бошқача айтганда, гектарига ўртача ҳосилдорлик 69,7 центнерга етиб, етти йилда 13 центнердан зиёдроққа ошди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида ҳам ўсиш кузатилди. Хусусан, ушбу йўналишларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати аҳоли жон бошига 2017 йилдаги 4,8 миллион сўмдан 2022 йилда 10,2 миллион сўмгача кўтарилган. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 6 йилда 2,4 баробар ортган.

### Танқислик кўлами ва унинг зарари ортиб бораверади

Очиғи, ҳар икки йўналишдаги ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин мавзумиз сув танқислиги бўлгани учун буларга атрофлича тўхталмадик.

Нега айнан сув танқислиги мавзуси, деган саволга келадиган бўлсак, бунинг ечими юқоридаги икки йўналишдан бир оз мураккаброқ. Биринчидан, электр энергияси бўйича ошиб бораётган эҳтиёж “яшил” энергетикани ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб эса ҳосилдорликни ошириш орқали қопланяпти. Иккинчидан, ҳар икки йўналишда истиқбол имкониятлари нисбатан кенг. Айтайлик, юртимизда умумий узунлиги 12,7 минг километр бўлган 430 та каттаю кичик дарё бор. Оқим салоҳиятидан келиб чиқиб, катта-кичик ГЭСлар қуриш орқали қанча “яшил” энергия ҳосил қилиш мумкин. Қуёшдан олиниши мумкин бўлган электр энергияси ҳажми нақадар катталигини эса юқорида айтиб ўтдик.



Умуман, шамол энергетикаси ёки аграр тармоқ имкониятлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш, асосли фактларни мисол келтириш мумкин.

Сув масаласида эса бундай дейиш бир оз мушкул. Президентимиз Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида қайд этганидек, **“Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади.**

**Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб, сув ресурсларига эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.**

**БМТ маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда”.**

Музликлар эриши жадаллашиб, сув захиралари камайиб бораётган мураккаб шароитда яқин ва ўрта истиқбол, келажак учун пухта ўйланган режалар тузиш ва уни тизимли амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки минтақада сув танқислиги муаммоси йилдан-йилга кучайиб бориши муқаррар. Зеро, дунё экспертлари ҳам, юртимиз сув хўжалиги мутахассислари ҳам буни ҳисоб-китоб қилган.

Жумладан, сув хўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиевнинг айтишича, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик миқдори 25 фоиз қисқарган. Ёз фаслида эса жазирама кунлар давомийлиги ортган.



Жаҳон табиий ресурслар институти (World Resources Institute) ва Буюк Британиянинг “Economist Intelligence Unit” ташкилоти тадқиқотларига кўра, 2040 йилга бориб, сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор. Мутахассислар фикрича, 2050 йилгача сув ресурслари юртимизнинг асосий сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида эса 15 фоизгача камайиши мумкин. Демак, буларнинг барчаси юқорида қайд этиб ўтганимиздек, йил сайин қурғоқчилик кучайиб, сув танқислиги муаммоси ортиб бораётгани ва бу жараён давом этишидан далолат беради.

> **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, сув ишлатиш самарадорлиги 25 фоиз оширилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ернинг умумий майдони 2 миллион гектаргача, жумладан, томчилаб суғориш технологияси 600 минг гектаргача, ушбу мақсадларга эришиш учун эса сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қуввати 300 минг гектарга етказилади.**

### Қўштепа канали Амударёдан қанча сув олади?

Қўшни Афғонистонда Амударёдан сув олувчи Қўштепа канали қурилиши бошланган. Маълумотларга кўра, канал қурилиши тахминан 684 миллион долларга баҳоланмоқда. Узунлиги 285 километр, кенглиги 100 метр, чуқурлиги 8,5 метрни ташкил этувчи каналнинг Амударёдан қанча миқдорда сув олиши ҳақида эса турли тахминлар билдирилди. Жумладан, ижтимоий тармоқларда Афғонистон томонининг мазкур канални қуришдан мақсади Балх, Жузжон ва Фарёб вилоятидаги 550-600 минг гектар ерни суғориш экани, бунинг учун эса Амударёдан 10-13 миллиард куб метр сув олиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқалди.

Хўш, ушбу тахминий фикр ва мулоҳазалар ҳақиқатга қанчалик мос келади? Каналнинг юртимиз суғориш тизимига таъсири қандай? Айни саволларга сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев мавзуга доир матбуот анжуманида қуйидагича жавоб берганди: “Амударёдан сув олувчи Қўштепа каналининг қурилиши бўйича “Толибон” томонидан 6 та вариант тайёрланган. Ўзбекистон уларнинг барини чуқур ўрганиб чиққан.

Вариантларнинг бирида 120 минг гектар ер ўз оқими билан сув ичиши кўрсатилган. Яна бирида 225 минг гектар кўрсатилган. 600 минг гектар тўғрисида гап йўқ, ундай бўлмайди. Биз ўрганган вариантлар бўйича тахминан 225 минг гектар ўз оқими билан бўлиши мумкин. Учинчи вариант — яна 50 минг гектар ер насос билан суғорилади, шунда тахминан 300 минг гектарча суғориладиган ер ҳосил бўлади”.

Вазирнинг қўшимча қилишича, бунча ерни суғориш учун 4-5 миллиард куб метр сув етади. Ўзбекистон мана шу миқдор сақланиб қолишига интилади.

Шавкат Ҳамроев бу миқдорнинг асосли эканига қуйидагича изоҳ билдирди: “Агар ўша канал 300 минг гектарни суғорадиган бўлса, 12 миллиард куб метр сув олади, десак ҳам, бу ҳар бир гектар учун 40 минг куб метрдан тўғри келишини англатади. Ваҳоланки, 1 гектар ер 40 минг куб метр сув ичолмайди. Биз шоли экиб, сувни бостириб суғорганимизда ҳам 1 гектарга 30 минг куб метр сув кетади. Биринчидан, Афғонистонда юз фоиз шоли экилмайди. Иккинчидан, агар Афғонистон 5 йил биринчи даража ишларни қилса, бошқа экинлар, каналларнинг ўтказиш қобилияти ва бошқасидан келиб чиқиб, тахминан 4 миллиард куб метр атрофида сув олади”.

Мутахассислар фикрича, ҳозир Амударёда ҳар йили тахминан ўртача 60 миллиард куб метр сув шаклланмоқда. Қўштепа канали қурилиши эса ўзи шундоқ ҳам муаммо бўлиб турган сув танқислигини янада кучайтиради. Лекин бошқа томондан, Афғонистон ҳам Амударё сувидан фойдаланмоқчи.

Президентимиз Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг Душанбеда ўтган мажлисида бу масалага ҳам алоҳида тўхталиб, қуйидагича фикр билдирди:

“...Минтақамизда сувдан фойдаланиш жараёнида бизнинг мамлакатларимиз билан ҳеч қандай мажбурият асосида боғланмаган янги иштирокчи пайдо бўлди.

Афғон томони канални қуриш бўйича фаол иш олиб бораётганини яхши биласиз.

Унинг ишга туширилиши Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

Қўштепа каналининг қурилиши ва унинг Амударё сувидан фойдаланиш тартибига таъсири билан боғлиқ барча жиҳатларни мамлакатларимиздаги тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ўрганиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ шакллантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон вакилларини сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз”.

### Ягона ечим — тежамкорлик

Сув камайиши фақат деҳқончиликда қийинчилик туғдирмайди. Бу муаммо бевосита минтақа гидрологияси ва атроф-муҳит ландшафтларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яъни яшил майдонлар камаяди. Ер ости суви сатҳи пастлаши натижасида қудуқлардан сув олишда муаммолар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, сув сарфи ошишига олиб келади, соддароқ айтганда, аввал 10 куб метр сув билан қониққан далаларни суғоришда энди 15 куб метр сув талаб этилади.

Билвосита эса чорвачилик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш, тўқимачилик саноати каби кўплаб соҳаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, аграр соҳа ва аҳоли турмуш даражаси ёмонлашуви, экспорт камайиши, инфляция ошиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи қимматлашиши каби муаммолар вужудга келиши эҳтимоли юқори.

Модомики, сув танқислиги ва унинг оқибатлари шу қадар кескин экан, муаммо билан фурсатни бой бермасдан жиддий шуғулланиш, оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш талаб этилади. Бу борада энг тўғри йўл сувдан самарали фойдаланиш, тежамкорликни янада оширишдир.

Маълумотларга кўра, юртимизда бугунги кунда 3 миллион 200 минг гектар ерни суғоришга 46 миллиард куб метр сув сарфланаётган бўлса, шундан 60 фоизигина экинларга етиб боряпти. Негаки, биринчидан, юртимиз ирригация тизимидаги 180 минг километр суғориш тармоғининг чорак қисми бетон қопламали, бу тизим билан етиб борган сув орқали эса 98 фоиз экин анъанавий тараш услубида суғорилади. Яъни ҳам сув етказиб бериш жараёнида, ҳам даланинг ўзида сув исроф бўлади. Қолаверса, насос станцияларининг аксарияти эски, шу боис, электр энергияси истеъмоли жуда юқори.

Сув хўжалиги вазирининг таъкидлашича, кўп ҳолларда экинни суғориш учун йўналтирилган сувнинг 40 фоизи суғориш тармоқларида, 20 фоизи эса даланинг ўзида йўқотиляпти. Демак, бу каби исрофгарчиликни кескин камайтириш орқали вегетация даврида кузатилаётган қарийб 8-10 миллиард куб метр сув танқислигини қоплаш мумкин.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Катта-катта экин майдонларида қўлланилаётган сув тежовчи технологиялар нафақат сув сарфини қисқартириш, балки ёқилғи, минерал ўғитлар ва ишчи кучини тежаш орқали харажатларни қисқартириш, асосийси, ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 18 апрель куни сув хўжалигида ва фармацевтика саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда қайд этилганидек, ҳозирги



кунда 450 минг гектар ёки суғориладиган майдоннинг 15 фоизи лазерли технологияда текисланган. Агар бундай ерлар 2 баробар кўпайтирилса, яна 900 миллион куб метр сув тежалади, қўшимча 200 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади.

Сўнгги йилларда 400 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий қилинган. Бу йил яна 80 минг гектар майдонда ишлар бошланган. Бу ҳам катта ҳажмдаги сув тежалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Умуман олганда, 2017-2022 йилларда 1,4 миллион гектар экин майдонида сув тежовчи технологиялар жорий этилиши ҳисобига 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилинишига эришилган. Шунингдек, қўшимча 400 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланган.

Сув тежовчи технологияларни қўллаш самарадорликка эришишда нақадар аҳамиятли бўлса, бундай технологияларни ишлаб чиқаришни ҳам маҳаллийлаштириш шу қадар муҳимдир. Зеро, бизда бу тажрибанинг шу пайтгача кенг оммалашиб кетмаганига энг асосий сабаблардан бири бу турдаги импорт технологияларнинг қимматлигида эди.

Шунинг учун сув тежовчи технологияларни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ушбу йўналишни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш бўйича кўрилган амалий чоралар натижасида маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга етиб, мамлакатда ушбу йўналишда фаолият юритувчи корхоналар сони 50 тадан ошди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг бундай технологияларни жорий қилиш бўйича минтақамизда биринчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринни эгаллаши учун замин яратди.

Ушбу йўналишда бугунгача қилинган ишлар, шунга яраша эришилган натижалар яхши, албатта. Лекин юқорида қайд этганимиздек, сув танқислиги кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида, сув хўжалиги тизимида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, лазерли текислаш, канал ва ариқларни бетонлаш, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида ишлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо қилади.

Бу борада Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони билан сув танқислиги муаммосининг олдини олиш, оқибатларини юмшатишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилгани жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, сув ишлатиш самарадорлиги 25 фоиз оширилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ернинг умумий майдони 2 миллион гектаргача, жумладан, томчилаб суғориш технологияси 600 минг гектаргача, ушбу мақсадларга эришиш учун эса сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қуввати 300 минг гектарга етказилади.

Тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ҳамда ички суғориш тармоқларини ёпиқ қувурли суғориш тизимларига ўтказиш бўйича етти йиллик дастур доирасида ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти кўрсаткичи 0,73 гача оширилади.

Тупроқ ўзанли магистрал ва хўжаликлараро 18,7 минг километр каналнинг бетон қопламали улуши 13,1 минг километрга ёки 46 фоизга етказилади. Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида суғориладиган ерларда шўрланган майдонлар 1,7 миллион гектаргача камайтирилади.

Бундан ташқари, сувни қайта ишлаш, етказиш ва тақсимлаш тизимига хусусий сектор жалб этилиб, далаларга сув етказадиган объектлар тадбиркорлар бошқарувига берилади. Камида 100 та йирик сув хўжалиги объектида автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилади.

Умуман олганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, танқисликнинг салбий оқибатларини юмшатиш, пировардида иқтисодиётимиз барқарорлиги, юртдошларимиз фаровонлигини юксалтиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилгани билан янада аҳамиятлидир.

ТАЪЛИМ

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ёхуд келажакка инвестиция

**Ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича II жаҳон конференцияси ўтказилган эди.**

Конференция якунларига кўра, 150 га яқин давлат вакиллари иштирокида кейинги 10 йилда мактабгача таълим соҳасидаги устувор йўналишларни аниқлаб берувчи Тошкент декларацияси қабул қилинди. Унда янги ғоя ва ташаббуслар, аниқ таклиф ва тавсиялар асосида 2030 йилгача бўлган даврда дунё бўйлаб эрта ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга қаратилган бир нечта асосий йўналиш белгиланди. Жумладан, бу йўналишлар барча болалар учун тенг ва инклюзив таълим хизматларини таъминлаш (қамров ва имконият), педагог кадрларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш (ўқитувчи имижини яхшилаш), инновациялар, рақамлаштириш, молиялаштириш ва бошқарувни кўзда тутади.



Тошкент декларациясининг асосий йўналишлари имзоланган пайтдан бошлаб халқаро ташкилотлар ва иштирокчи давлатларнинг тегишли вазирликлари учун қўлланмага айланди.

Мактабгача таълимнинг халқаро кун тартибини белгилашга қаратилган ҳужжат БМТнинг олтита расмий тилига таржима қилинди ва ЮНЕСКОга аъзо давлатларга тарқатилди.

ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессияси Ўзбекистон ташаббуси билан "Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги саъй-ҳаракатлар ҳамда ёш болалар тарбияси ва таълимини ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар" резолюциясини бир овоздан маъқуллади.

Унда форум якунлари бўйича Тошкент декларацияси ҳамда кичик ёшдаги болалар тарбияси ва таълимини ўзгартириш манфаатларини кўзлаб чора-тадбирлар кўриш мажбурияти қабул қилингани алоҳида олқишланган. Ҳужжат, шунингдек, аъзо давлатларни Тошкент декларациясининг мажбуриятларини бажаришга, жумладан, ЮНЕСКОнинг мактабгача таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатларини ихтиёрий бадаллар орқали фаол қўллаб-қувватлашга, мутахассислар билан таъминлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват этади.

Юқорида келтирилган асосий йўналишлар бўйича, хусусан, тизимни янада такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия сифатини ошириш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва бу борада бир қанча ишлар бажарилмоқда.

— Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига давлат бюджетидан 1,3 триллион сўм субсидия ҳисобланиб, автоматик тарзда молиялаштирилди, — дейди Оятулло Раҳматиллаев. — Жаҳон банки кўмагидаги "Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида 2,8 миллион АҚШ доллари (режага нисбатан 109 фоиз) ҳамда Саудия тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликдаги "Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида 1,1 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилишига эришилди.

Мактабгача таълим тизимида педагогларнинг ўрни беқиёс. Ўқитувчи мактабгача таълимда асосий шахс бўлиб, эътибор ўқитувчилар малакасини оширишга қаратилмоқда. Бу борада UNICEF, KOICA, JICA, ITB, OTB каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида 152 897 нафар (олий маълумотлилар улуши 34,1 фоиз) раҳбар ва педагог фаолият юритмоқда.

Халқаро тажрибаларни ўрганиш ва мактабгача таълим тизимига татбиқ этиш мақсадида тизимдаги 4 педагог-мутахассис Хитойдаги семинарларда, 15 нафари Корея Республикасининг SOON CHUN HYANG университетида ташкил этилган ўқув курсида малака оширди.

Раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш орқали таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларининг 14 мингдан зиёд ходимини қисқа муддатли (40 соатга мўлжалланган) малака ошириш курсларида ўқитиш йўлга қўйилди.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги агентлигининг Ўзбекистондаги "Mercy corps" филиали билан ҳамкорликда Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузурида ҳамшираларнинг касбий малакасини ошириш, шошилинч ҳолатларда болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасини шакллантириш учун махсус ўқув ускуналари, ўқув тренажёри билан жиҳозланган симуляцион марказ фаолият бошлади. Ушбу марказда 4 та ўқув курси ташкил этилиб, мактабгача таълим ташкилотларининг 160 ҳамшираси малака оширди. Шу билан бирга, ота-оналар учун 6 ёшгача бўлган болалар саломатлиги ва ривожланишининг барча жиҳатлари бўйича мутахассислар маслаҳати билан таъминлаб берувчи "Беббо" мобиль иловаси ишга туширилди.



Жумладан, бориш қийин бўлган ҳудудларда "Ақлвой" мобиль болалар боғчалари ва ўйин гуруҳлари каби муқобил таълим шакллари сонини кенгайтириш бўйича алоҳида таклиф ишлаб чиқилди ҳамда Молия ва иқтисодиёт вазирлигига келишиш учун киритилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида 1372 та мактабгача таълим ташкилоти очилиб, улар сони 30 792 тага етказилгани барча учун тенг инклюзив ва сифатли таълим хизматларини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ишларга яна бир мисол бўла олади. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг 789 таси хусусий, 1328 таси давлат-хусусий шериклик асосидаги ва 21 941 таси оилавийдир.

— Республика бўйича 3-7 ёшли 2 930 844 боланинг 2 111 487 нафари ёки 72 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинди, — дейди Мактабгача таълим агентлиги директори ўринбосари Оятулло Раҳматиллаев. — Шунингдек, янги ўқув йилида 428 та бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳи ташкил этилиб, улар сони 7560 тага етказилди ва 6 ёшли болаларнинг 90 фоизи (647 655 нафари) қамраб олинди.

Чекка ҳудудларда мактабгача таълим хизматларини ташкил этиш мақсадида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига 7 та "Исузу" автобуси қайта жиҳозланган ҳолда етказиб берилди. Натижада ушбу ҳудудларда 42 та мобиль гуруҳ ташкил этилиб, 672 бола мактабгача таълим билан қамраб олинди.

2023 йилги инвестиция дастури доирасида 182 та давлат мактабгача таълим объектида жами 992,2 миллиард сўмлик шартномалар имзоланиб, 655,6 миллиард сўмлик (66 фоиз) қурилиш ишлари бажарилди, 585,4 миллиард сўмлик (59 фоиз) молиялаштирилди.

Инвестиция дастури асосида янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган 112 та, қўшимча жиҳозланадиган 213 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 370 та бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳини мебель ва бошқа турдаги жиҳозлар билан таъминлаш учун тендер ўтказилиб, 20 та ғолиб корхона билан жами 118,2 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Кичик ёшдаги болалар таълими сифати ва натижаларини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича Жаҳон банки экспертлари томонидан халқаро MELQO баҳолаш воситалари танлаб олинган 10 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида тажриба-синовдан ўтказилди.

Тизимда фаолият юритаётган педагог ходимлар учун узлуксиз методик хизматни ташкил этиш мақсадида "Learning passport" (Болалик академияси — bolakadem.uz) таълим электрон платформаси жорий этилди.

Ўқув-тарбия жараёнида замонавий таълим дастурлари, илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш орқали болаларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний ривожлантириш, мактабга тайёрлаш даражасини ошириш катта аҳамиятга эга. Республикадаги 6,6 мингта (99 фоиз) давлат мактабгача таълим ташкилоти юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди. Шунингдек, 6,7 мингта давлат мактабгача таълим ташкилоти янги, замонавий компьютер қурилмалари билан таъминланди.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида Ислом тараққиёт банки билан ҳукумат ўртасида 30 миллион АҚШ долларига тенг қарз келишуви имзоланди. Ушбу лойиҳага қўшимча маблағ жалб қилиш мақсадида яна OPEC халқаро тараққиёт жамғармаси билан 20 миллион АҚШ долларилик келишувга эришилди.

**Рисолат МАДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# САМО КАБИ ЮКСАК КАСБГА ИНТИЛИБ

**Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг январь ойида Қашқадарёга ташрифи давомида Хонобод ҳарбий аэродромида бўлиб, бу ердаги объектнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртини Қарши шаҳрида қайта ташкил этиш тўғрисида таклиф берганди.**




Шундан сўнг кўп ўтмай, Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби негизида олий ҳарбий авиация билим юртининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бунга 73 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Натижада билим юрти замонавий кўринишга келтирилиб, сўнгги русумдаги тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Спорт мажмуалари қайта реконструкция қилиниб, етарли имкониятлар яратилди. 2019 йилга келиб, билим юрти тўлиқ Қарши шаҳрига кўчирилди.

## Янгиланишлар ўз натижасини кўрсатмоқда

Бугунги кунда билим юртида курсантларни тайёрлаш учун ўқув-тактик машғулотлар, назарий ва амалий билим олишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Жумладан, қулай лабораториялар, интерактив ўқув хоналари, реал парвозга яқинлаштирилган авиация тренажёрлари ҳамда симуляциялари, илмий ишланмалар устида ишлаш учун яратилган шароитлар таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

— Кўп йилдан буён шу соҳада фаолият олиб бораман, — дейди билим юрти раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ҳикматилла Дўстматов. — Олий Бош Қўмондонимиз ташаббуси билан учувчилар тайёрлаш билим маскани айнан Қарши шаҳрига кўчириб келиниши йўналишимизда ўзига хос ислоҳотлар сари ташланган катта қадам бўлди. Бунинг самараси қисқа фурсатларда амалда намоён бўла бошлади. Биргина мисол айтадиган бўлсам, таълим муассасамиз илмий салоҳияти сўнгги тўрт йилда 9,6 фоиздан 43,5 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткич 2024 йилда 60 фоизга чиқарилиши мақсад қилинган.

Жорий йил февраль ойида Президентимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида билим юртимиз фаолияти билан танишиб, шу жараёнда бир қатор ишларни амалга ошириш лозимлиги тўғрисида топшириқлар берди. Жумладан, муассасамизга институт мақомини бериш, шунингдек, шу ернинг ўзида магистратура, докторантура йўналишларини очиш ҳамда илмий кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди. Айни пайтда олий ҳарбий авиация билим юрти қошида академик лицей очиш борасида ҳам кўрсатма олгандик. Бугунги кунда керакли лойиҳалар тайёрланиб, ҳаракатлар бошлаб юборилган. 2024 йил янги ўқув йилидан академик лицей иш бошлайди.

Шу йил май ойидан бошлаб билим юрти тарихида илк бор илмий даража берувчи Кенгаш ўз фаолиятини бошлади. Мазкур Кенгаш таркибига Қуролли Кучлар Академияси, Мудофаа вазирлиги ахборот технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий даражага эга етакчи олимлари қамраб олинган бўлиб, шу йилнинг июль ойида дастлабки диссертация ҳимояси ҳам бўлиб ўтди. Йил якунига қадар яна уч нафар илмий изланувчи бу жараёнда иштирок этади.

Ҳозирда билим даргоҳимизда 2 нафар фан доктори, 3 нафар фан номзоди ва 11 нафар фалсафа фанлари доктори (PhD) фаолият олиб боряпти. Ўтган тўрт йил давомида 34 нафар ўқитувчимиз доцент илмий унвонига эга бўлди.

Билим юртининг илмий йўналишдаги устувор вазифаларидан бири — бу курсантлар, тингловчилар ва профессор-ўқитувчиларнинг изланувчанлик қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ўз устида доимий изланишлар олиб боришини таъминлаш, рационализаторлик ва патент-лицензия ишларини ривожлантиришдан иборат. Шу мақсадда қилинаётган ишлар натижасида ҳар йили 50 дан ортиқ янги ишланма, лойиҳалар, турли таъминот дастурлари, инфографика материаллари, рақамли станциялар, жиҳозлар ва ускуналар яратилмоқда. Шунингдек, курсантлар ўртасида "Авиамоделист", "Ракетамоделист", "Двигателмоделист", "Ёш электромеханик", "Ёш дастурчи" каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, улар фаолиятининг асосий қисми ихтирочилик ва рационализаторликка қаратилган. Эътиборли томони, тўгаракларга курсантлар билан бирга, яқин атрофдаги маҳаллалар ёшлари ҳам жалб этилган.

Машғулотларда иштирок этаётган ёшлар вертолёт ва самолёт макетлари билан бирга, турли радиобошқарувли авиамоделлар ясалишини ҳам ўрганмоқда.

## Олдин назария кўп, амалиёт кам эди

Мутахассисларнинг таъкидлашича, авваллари амалиёт ўташ учун имконият етарли даражада бўлмагани сабабли машғулотлар кўпроқ назарий ўтилган. Бугунги кунда эса ўқув-йиғин жараёнларининг асосий қисми ҳарбий аэродромда ўтказиб келинади. Бундан ташқари, замонавий тренажёр вертолётлари курсантларда учувчиликка кўникма ҳосил қилиш учун муҳим восита бўлмоқда.

— Ҳаво кемасини бошқаришни ўрганиш учун, аввало, кишининг ўзида қизиқиш бўлиши лозим, — дейди билим юртининг тренажёр-тайёргарлик маркази катта ўқитувчи-йўриқчиси Рашид Қўлдошев. — Кимнингдир хоҳиши ёки таклифи билан учувчилик маҳоратини эгаллаш мушкул. Буни тажрибамизда кўп кўрдик. Албатта, ўзига хос шарафли ва мураккаб касбни эгаллаш учун курсантдан кучли билим, тажриба ва руҳий тайёргарлик талаб этилади. Мард ва жасур йигитларимизнинг Ватанга хизмат қилишдек олий мақсад йўлида интилишларини кўриб, мамнун бўламиз, албатта.

Бизнинг вазифамиз бўлажак учувчиларнинг дастлабки кўникмасини шакллантиришдан иборат. Ўзига хос масъулиятли касб экани боис, ўрганиш давомида ҳар бир курсантдан диққатли бўлиш талаб этилади. Биргина хато ҳам кечирилмайди. Курсантларимиз берилган топшириқларни хатосиз уддалашга, вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилмоқда.



Бошланғич босқичлардан тўлиқ ўтгач, ёш учувчилар Хонобод ҳарбий аэродромида амалиёт ўтаб, малака оширади. Очиғи, авваллари бу жараённи ўташга етарли шарт-шароит йўқ эди. Бугун эса барчаси белгиланган режага асосан олиб борилмоқда. Ёш учувчиларнинг кўп вақти вертолётларни амалда бошқаришга сарфланаётгани уларнинг малакали касб эгаси бўлиб етишишига замин яратмоқда.

## "Мен албатта учувчи бўламан"

Шаҳзод Қурбонов Косон туманидаги Пудина қишлоғида туғилган. Болалигидан техникага қизиққани учун физика, информатика фанларидан аъло баҳолар оларди. Вақт топди дегунча, ҳовлисидаги эски мотоциклни бўлакларга ажратиб, яна қайта териб чиқишдан эринмасди. Унинг ҳаракатланиши, ёқилғи сарфи, қандай тезликда юра олишини ўрганиб борди. Баъзида осмонда вертолётлар учиб юрганини кўриб қолса, шундай катта машина осмонда ўз вазнини қандай кўтариб юришини билишга қизиқарди. Ота-онаси эса унга бу касбни эгаллаш учун яхши ўқиш кераклигини таъкидларди.

— Болалигимда учувчи бўлишга жуда қизиқардим, — дейди 3-босқич курсанти Шаҳзод Қурбонов. — Мактабни тугатган йилим ҳужжат топшириб, тест синовларидан ўтолмай қолдим. Кейинги йили ўзимни қайта синаб кўришга аҳд қилдим, афсуски, яна ўхшамади. Лекин шаштимдан қайтмадим. Янада жиддий тайёргарлик кўрдим ва учинчи йили курсантликка қабул қилиндим. Бундан жуда хурсандман.

Билим юртимизда сифатли таълим, жисмоний тайёргарлик ва амалий машғулотлар учун барча имкониятлар яратилган. Кутубхона, ўқув заллари, спорт мажмуаси замонавий типда барпо этилган. Аутсорсинг тизими йўлга қўйилгани боис, таомлар жуда сифатли тайёрланади. Давлатимиз раҳбари ҳам билим юртимизга ташрифи чоғида ошхонамизда биз билан бирга тушлик қилиб, шароитларга юқори баҳо берди. Биздан талаб қилинадигани фақат яхши ўқиб, малакали касб эгаси ва юртимизга содиқ фарзанд бўлиб хизмат қилиш.

## Чемпионлар сафи кенгаймоқда

Жисмонан бақувват, кучли ва жасур йигитлар ўзининг мустаҳкам иродаси билан юрт сарҳадларида қалқон бўлиб келган. Шу боис, ҳарбийлардан доимо мустаҳкам жисмоний тайёргарлик талаб этилади. Бу борада билим юртида ҳам курсантларнинг спорт билан шуғулланиб, чиниқиб бориши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Хусусан, ёпиқ ва очиқ спорт заллари, ташқи спорт майдонлари белгиланган меъёр асосида жиҳозланган бўлиб, доимий равишда ёш учувчиларнинг машғулот олиб боришига шай туради. Курсантлар спорт машғулотларида иштирок этибгина қолмай, мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда фаол қатнашади.

— Айни пайтда октябрь ойида бокс бўйича Мудофаа вазири кубогига ҳозирлик кўрмоқдамиз, — дейди Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси бошлиғи Шерали Халилов. — Беллашувларда совринли ўринларни қўлдан берганимиз йўқ. Бу сафар ҳам яхши натижа билан қайтиш ниятидамиз. Йигитларимизнинг шашти баланд.

Бундан ташқари, "Умумармия ўйинлари", "Кўпкураш", "Довюрак жангчи" баҳсларида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритганмиз. Ҳозирда спорт мажмуамизда бадминтон, енгил атлетика, миллий кураш, волейбол каби тўгараклар ташкил этилган.

Қарши шаҳридаги олий ўқув юртлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Университет ва институтларнинг талабалари билан доимий равишда ўртоқлик баҳсларини ўтказиб борамиз.

Рўзимурод Жуманазаров, Муслимбек Собитов каби ёшларимиз чемпионлик шоҳсупасини банд қилиб, кўпчилик эътирофига сазовор бўлган. Уларга ҳавас қилган маҳалла ёшлари ҳам турли спорт турларидан ғолибликни қўлга киритиш истагида интилмоқда.

## Билим юрти ва мактаблар ҳамкорлиги

Иқтидорли, жисмонан бақувват, билимли ёшларни саралаб олиш мақсадида бугун олий ҳарбий авиация билим юрти маъмурияти умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйган. Мунтазам равишда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билан ҳарбий хизматнинг шарафли бурч эканлиги, билим юртида яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар борасида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаётир.

Хусусан, биргина 2022 йил сентябрь ойидан жорий йилнинг апрель ойига қадар жойларда "Мен — Ватан таянчиман" шиори остида мамлакатимизнинг 124 та туманидаги таълим муассасасида, маҳаллаларда тарғибот кечалари ўтказилди. Бунда эллик мингдан ортиқ ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Ўқувчиларнинг ҳарбийлик касбига бўлган қизиқишлари ўрганилиб, улар билан доимий равишда мулоқотлар ташкил этилмоқда. Бу эса келгусида соҳада ёш кадрлар захирасини тўлдиришга ҳозирлик вазифасини ўтамоқда.

Бугун Марказий Осиёда бу йўналишдаги ягона таълим муассасаси сифатида эътироф этилаётган Олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олишнинг ўзгача масъулияти ҳам бор, албатта. Кейинги пайтда бу масканда нафақат мамлакатимиз ёшлари, балки қўшни давлатларнинг шу соҳа вакиллари ҳам мунтазам малака ошириб кетаётгани кишига ўзгача ғурур бахш этади.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**












# ШВЕЦИЯДА 858 ТА ҚЎЛЁЗМА АНИҚЛАНДИ

## УЛАРНИНГ 25 ТАСИ АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИДИР

**“Қўлёзмаларни ҳар сафар ўрганганимда сираям қайтиб бергим келмайди, ўзимизники ахир”, дейди суҳбатимиз аввалида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори Гулноза ХАЛЛИЕВА. Маънавий меросимизга бўлган шу биргина эътироф, меҳр-муҳаббат тафтидан қалбимиз ёришиб кетди. Суҳбатдошимизнинг “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш” номли ажойиб инновацион лойиҳа ишқида қилган изланишлари, машаққатлари ва илмий кузатувлари кўз ўнгимизда намоён бўлди.**

Ушбу лойиҳа ташаббуси қандай мақсадлар ва маънавий эҳтиёжлар туфайли ўртага ташланди? Шу кунгача қўлёзмаларимизнинг электрон платформасида қандай маълумот ва янгиликлар мужассам бўлди? Ушбу маълумотларнинг босма қоғозлардаги нашри ҳам тайёрланяптими? Айни саволларимиз атрофидаги мулоҳазалар сизни ҳам эътиборсиз қолдирмайди деган умиддамиз.

**— Инновацион лойиҳадаги режа асосида 2023 йил июнда Ўзбекистондан Швецияга боргансиз. Айни санагача Европанинг Франция, Германия, Финляндия, Австрия, Швейцария, Италия, Дания, Люксембург, Чехия каби қатор давлатлари фондларида изланишлар олиб борганингиз ҳақида ўқиганмиз. Ушбу илмий сафарлар давомида лойиҳа аъзолари томонидан қандай эътиборга молик қўлёзмалар топилган ва нашр қилинган?**

— Аввало, ушбу хизмат сафари олдидаги ҳаяжонларимни айтмайсизми?! Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларида мамлакатимиз фондини бойитиш мақсадида юртимиз тарихий-маданий меросига оид, хориж фондларида сақланаётган ноёб китобларни олиб келиш, қўлёзмаларни сотиб олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)нинг қатор вазифалари, шарқшунослик йўналишидаги тадқиқотлар ҳам айнан чет эл фондларида турган маданий ёдгорликларимизни ўрганиш йўли билан халқ мулкига айлантиришга, ҳукуматимиз қарорлари ижросига қаратилган. Мазкур ҳужжатларнинг эълон қилиниши биз, тадқиқотчиларнинг неча йиллардан буён орзу қилиб келаётган изланишлар ва дадил қадамларимизга йўл очиб берди, десак адашмаган бўламиз.

Янги лойиҳамизнинг асосий мақсади ҳам Европанинг йирик қўлёзма фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда муқобили бўлмаган қўлёзмаларимизни аниқлаш, соҳалар бўйича таснифлаш, тавсифлаш ва тадқиқ қилишдан иборат. Ўтган давр мобайнида Европанинг қатор давлатлари фондларидан лойиҳа аъзолари томонидан 93 та ноёб қўлёзма топилди, айримлари табдил ва нашр қилинди. Франциядан олиб келинган “Насиҳатномаи Шоҳий” (Хусайн Хоразмий, XV аср) ва Германиядан келтирилган “Маъорифун насаб” (Бобожон Саноий, XIX аср) каби ноёб қўлёзмалар табдил ва нашр қилинди. Ушбу асарлар билан Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада тўлиқ танишиш мумкин.

Келгусида Европа фондларидаги қўлёзмалар фото нусхаларини, микрофильмларини олиш ҳисобидан мамлакатимиз қўлёзма манбалар фонди бойитиб борилади. Шунингдек, қўлёзмалар реестрини ва илмий тавсифини яратиш орқали миллатимиз тарихининг янги саҳифаларини очиш, маънавий қадриятларимизнинг халқаро миқёсдаги ҳудудини белгилаш, ёзма маданиятимиз пойдевори бўлган бирламчи қадимий манбаларни илмий истифодага киритиш ва халқимизнинг маърифат хазинасини янгидан-янги тадқиқ ва тарғиб объектлари билан бойитиш лойиҳамизнинг илмий аҳамиятини белгилайди. Изланишларимиз давомида қўлга киритиладиган илмий ютуқлар ва натижалар келгусида ушбу йўналишда амалга ошириладиган юзлаб илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Даставвал, илмий изланишларимни Уппсала университети кутубхонасида турган туркий қўлёзмаларимизни ўрганишдан бошладим. Кузатишларимиз асосида бу жойдаги туркий қўлёзмалар бўйича 2 та каталог яратилгани аниқланди. Биринчиси 1849 йилда швед шарқшунос олими Карл Иоганн Торнберг (Carl Johan Tornberg 1807-1877) томонидан лотин тилида яратилган (Codices Arabici, Persici et Turcici Bibliothecae Regiae Universitatis Upsaliensis). Ушбу каталогда Уппсала университети кутубхонасига 1845 йилгача йиғилган араб, форс, туркий қўлёзмаларнинг қисқача тавсифи берилган. Тавсифда қўлёзмалар тарих, фалсафа, адабиёт, математика каби фанлар бўйича ажратилган. Қўлёзмалар ҳар бир соҳа доирасида араб (а), форс (в), туркий (с) тарзида битта бўлимда кўрсатилган. Масалан, адабиётга оид ҳар учала тилдаги қўлёзмалар тавсифи битта жойда берилган. Китобга жуда сермазмун сўзбоши ёзилган, жумладан, қўлёзмаларнинг Швецияга, Уппсала кутубхонасига келтирилиши билан боғлиқ тарих батафсил ёритилган. Ушбу каталогни ўрганиш асосида турли фанларга оид 206 та туркий қўлёзма мавжудлигини аниқладик.



Иккинчи каталог икки жилддан иборат бўлиб, Уппсала университети профессори Карл Вильгельм Зеттерстен томонидан яратилган. Ушбу каталогда ҳам араб, форс, туркий қўлёзмалар тавсифи берилган (Die arabischen, persischen und turiilschen handschriften der universitätsbibliothek zu Uppsala). Олим Уппсала университетида шарқшунослик йўналиши тараққиётига катта ҳисса қўшган, араб, форс, туркий тиллардан бир нечасини мукаммал билган. Каталогларнинг ҳар иккаласида сўзбоши берилган. Улардан маълум бўлишича, К.Зеттерстен айнан К.Торнберг каталогига кирмаган, 1849 йилдан кейин кутубхонага келтирилган қўлёзмаларни тавсиф қилган. Бундан ташқари, ушбу каталог араб, форс, туркий қўлёзмаларнинг алоҳида-алоҳида бобларда берилгани билан К.Торнберг каталогидан фарқ қилади. Мазкур каталогларда жами 142 та туркий қўлёзмага тавсиф берилган. Юқорида қайд этилган каталоглардан ташқари 1935 йилдан кейин кутубхонага келтирилган қўлёзмалар ҳақида ҳам оддий принтерда чиқарилган материал мавжуд, унда 21 та туркий қўлёзмага тавсиф берилган.

**— Швециянинг Лунд университети кутубхонасидаги қўлёзмаларнинг аксарияти швед олими ва дипломати Гуннар Жарринг номи билан боғлиқ экани ростми? Бу қўлёзмаларнинг ўзига хослиги нималарда кўринади?**

— Дарҳақиқат, бу кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар ҳажми 500 дан ортиқ бўлиб, мазкур фонд швед дипломати ва олими Гуннар Жарринг номи билан аталади (The Jarring Collection). Гуннар Жарринг кўп йиллар давомида Шарқий Туркистонда дипломатлик қилган, ўз фаолияти давомида кўп қўлёзмаларни йиққан, маҳаллий халқдан сотиб олган. 1982 йилда барча тўплаган қўлёзмаларини Лунд университети кутубхонасига топширган. Инглиз тилидаги ушбу қўлёзмалар каталогини ҳам яратган, аммо нашр қилинмаган. Ҳозир бу каталог-қўлёзма рақамлаштирилган ва кутубхона веб-саҳифасига жойлаштирилган.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Лунд кутубхонасидаги қўлёзмаларга уйғур қўлёзмалари деб ном берилган. Аслида, улар орасида нафақат уйғур, балки қозоқ, турк, ўзбек (Европада кўпинча чиғатой қўлёзмалари деб аталади) ва бошқа тиллардаги манбалар бор. Қўлёзмалар яхши, қониқарли, ёмон ва қўлланишга яроқсиз каби тўрт тоифага ажратилган. Ёмон ва қўлланишга яроқсиз белгиси остидаги қўлёзмалар фойдаланишга берилмайди, уларни фақат пул тўлаб, рақамли вариантига буюртма бериш мумкин, холос. Мен кўрган яхши ва қониқарли белгили қўлёзмалардан баъзилари ҳам таъмирталаб аҳволда. Албатта, уларни кўриб жуда ачиндим, авайлаб варақладим. Назаримда, бу қўлёзмалар билан Гуннар Жаррингдан кейин ҳеч ким қизиқмаган, кўрмаган. Суҳбатимиз аввалида таъкидлаганимдек, қўлёзмаларни ҳар сафар ўрганганимда уларни сираям қайтиб бергим келмайди, ўзимизники ахир...

Мазкур фонд ҳақида 2006 йилда ёзилган “Гуннар Жарринг ва Жарринг коллекцияси” мақоласи муаллифи, Лунд университети тадқиқотчиси, тарих кафедраси ўқитувчиси Гунил Торнвал (Gunilla Törnvall) билан учрашганимизда бу Шарқий Туркистон қўлёзмаларининг ниҳоятда бой коллекцияси бўлиб, дунёда учинчи ўринда туришини айтди. Қўлёзмалар ислом оламининг Марказий Осиёнинг чеккасидан, ҳозирги Хитойнинг Шинжон вилоятидан, қадимги Ипак йўли бўйида жойлашган Қошғар ва Ёркент каби шаҳарлардан келтирилганини, мазкур фондни рақамлаштириш учун катта маблағ ажратилганини ҳам таъкидлади. Келажакда бу хайрли иш амалга оширилишини маълум қилди. Олиманинг таъкидлашича, Гуннар Жарринг ташаббуси туфайли кўплаб дипломатлар Жарринг тўпламига ўзлари келтирган, маҳаллий бозорда кўчирилган ёки сотиб олинган қўлёзмалар билан ҳисса қўшган. Кўпгина қўлёзмалар Густаф Альберт (109 та), Дэвид Густафссон (75 та), Сигфрид Моен (59 та), Густаф ва Ҳанна Рагуетти (48 та), Оскар Ҳерманссон (42 та), Гуннар Ҳерманссон (31 та) каби дипломат ҳамда олимлар томонидан кутубхонага топширилган.

Демак, ҳозиргача кузатишларимиз асосида Швецияда 858 та туркий қўлёзма борлиги аниқланди. Агар такрор нусхалар борлигини ҳисобга олсак, 500 тадан ортиқ қўлёзма бор. Улар турли даврга ва соҳаларга оид. Адабиётшунос бўлганим учун, албатта, биринчи навбатда адабий асарларга диққатимни қаратдим. Улар орасида Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Фузулий, Сўфи Оллоёр, Машраб каби биз билган машҳур шоирлардан ташқари ҳали халқимизга номаълум бўлган шоирлар, таржимонларнинг ҳам қўлёзмалари мавжуд. Алишер Навоий қўлёзмаларининг ўзи 25 та.

Биз текширган каталоглар сўзбошида келтирилган маълумотга кўра, ушбу қўлёзмалар, асосан, швед дипломатлари фаолияти давомида йиғилган, сотиб олинган ва кейинчалик Лунд ва Уппсала университетлари кутубхоналарига туҳфа қилинган. Қўлёзмалар орасида Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмалар ҳам бор. Биз айнан шу масалани жиддий текширяпмиз, натижаларни тадқиқотларимиздан кейин эълон қиламиз.

**— Швеция ва туркий давлатлар ўртасида аввалдан дипломатик, ижтимоий-маданий алоқалар бўлган. Илмий адабиётларда XVI асрдан бошлаб швед олимлари турли соҳаларда илмий-маданий алоқалар ўрнатгани ёритилган. Яқиндагина ушбу давлатда элчихонамиз очилгани бу алоқаларни янада кенгайтирди. Шундай эмасми?..**

— Албатта. Биз Стокгольмда, Ўзбекистоннинг Швециядаги муваққат ишлар вакили Нодир Ғаниев ва элчихона учинчи котиби Орифжон Комилжон ўғли билан расман учрашдик, келажакдаги режаларимиз, Швециядаги туркий қўлёзмаларимиз тақдири, уларни ўрганиш йўли билан ватанимизга қайтариш каби масалалар юзасидан суҳбатлашдик.

Галдаги вазифа Швеция кутубхоналарида сақланаётган 800 дан ортиқ ноёб дурдонамизни олимлар гуруҳи билан келиб, аввало, тўлиқ реестрини тузиш, тавсифини яратиш, ҳаммасини яроқли ҳолга келтириб таъмирлаш, иложи бўлса, юртимизга қайтаришдан иборат.

**— Польшадаги илмий изланишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Маълумотларга кўра, мазкур давлатда сақланаётган Шарқ қўлёзмалари бўйича 1958-1969 йиллар мобайнида 5 жилдли каталог-тавсиф яратилган экан...**

— Польша давлатининг Варшава шаҳрига етиб келганимизда ватандошимиз, файласуф олим, Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Бабаев топшириғи ва ташаббуси асосида мени жуда илиқ кутиб олишди, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Мусофир юртда икки ой изланиш олиб бориш давомида айнан юртимиз одамлари меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги қанчалар аҳамият касб этишини янада чуқур ҳис қилдим. Шунингдек, 1944 йилда немис босқинчилари томонидан деярли йўқ қилинган Варшава шаҳрининг шу юрт одамларининг ғайрати ва ватанпарварлиги туфайли обод бўлганини, расмларга қараб қадимий бинолар қайта тикланганини кўриб, янада илҳом олдим, ғайрат билан ишга киришдим.

Ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилаётган “Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион лойиҳаси режаси асосида шу ерда илмий изланишларимни давом эттиряпман.

Даставвал, илмий изланишларимни Варшава миллий кутубхонасидаги туркий қўлёзмаларимизни ўрганишдан бошладим. Кузатишларимиз асосида Польшада сақланаётган Шарқ қўлёзмалари бўйича 1958-1969 йиллар мобайнида 5 жилдли каталог-тавсиф яратилгани маълум бўлди. Унгача барча фондлардаги тавсифлар тарқоқ ҳолда бўлган. Ушбу китоблар поляк олимлари Стефан Стрелцин умумий таҳрири ва Ананий Зайончковский раҳбарлигида, Таудаш Майда, Зигмунт Абрахаимович, Казимеж Рожко, Ян Браун, Стефан Якобельский каби бир гуруҳ шарқшунослар томонидан яратилган. Ананий Зайончковский каталог-китоб яратилган йилларда Польша Фанлар академиясининг шарқшунослик ва айни пайтда Варшава университети туркология бўлимини бошқарган. Шарқ, хусусан, туркий адабиётга чуқур ҳурмат ва муҳаббат олимни кўпгина хайрли ишларга ундаган. Ананий Зайончковский ташаббуси билан кўпгина миллий дурдоналаримиз поляк тилига таржима қилинган, ўрганилган. 1954 йилда олим Кембрижда ўтказилган XXIII шарқшунослар халқаро конгрессида Польшада сақланаётган Шарқ қўлёзмалари ва уларнинг тугал бир каталогини яратиш масаласи ҳақида маъруза қилган ва маърузада қўйилган мақсад дунё олимлари томонидан ижобий баҳоланган, кейинчалик бу лойиҳа жаҳон илмий жамияти томонидан моддий рағбатлантирилган.

Каталог китобларнинг I ва V жилдлари айнан Польша фондларида сақланаётган туркий қўлёзмалар тавсифига бағишланган. Уларда жами 583 та туркий қўлёзма номи, муаллифи ва қисқача тавсифи берилган. Туркий қўлёзмаларимиз Варшава, Краков, Познан миллий музейи ва ҳарбий архивларида, Варшава, Вроцлав, Ягеллон, Торундаги Н.Коперник университети кутубхоналарида, Варшава миллий кутубхонасида, Польша шарқшунослар жамияти архивида, М.Сулимович, Ж.Рейхманнинг Варшавадаги, Ж.Карповичнинг Шетсиндаги шахсий кутубхоналарида — Польшанинг жами 21 та фондида ардоқлаб сақланади. Текширишларимиз натижасида булар орасида энг кўп қўлёзма ҳарбий архивларда ва Вроцлав университети кутубхонасида мавжудлиги аниқланди.

**— Қўлёзмаларнинг барчаси ҳам адабий ва тарихий мавзуларни қамраб олганми? Улар кўпроқ қайси фанларга оид?**

— Хусусан, туркий қўлёзмалар орасида грамматика, тарих, астрономия, кимёга оид, дидактик, диний, қомусий асарлар, муншаот, Қуръон шарҳлари, таъбирномалар, тасаввуфий, тиббиётга оид асарлар бор. Тарбиянома, ибратномалар, шеърий девонлар, маноқиблар, фалсафа, илоҳиёт, юридик қонунномалар, ҳикоятлар, дуолар, шеърият назариясига оид асарлар, араб-форс-туркий, чиғатой-турк, турк-лотин, турк-француз, турк-поляк луғатлари ҳам борлиги аниқланди. Дидактик асарлар орасида бугунги кунимиз учун ҳам ҳар қачонгидан кўра зарур бўлган “Фазилатнома”, “Ибратнома”, “Рисолаи фаросат”, “Рисолаи адолат” каби қўлёзмаларни кўрдик, уларни табдил қилиш ва тезроқ халқимизга етказиш тараддудидамиз.

**— Ҳозиргача мавжуд маълумотлар асосида энг қадимги девон кимга тегишли эканини айта оласизми?**

— Шеърий девонлар ичида энг қадимийси туркий халқларнинг забардаст шоири ва мутафаккири, озарбайжон, форс ва араб тилларида ижод қилган Муҳаммад Сулаймон Фузулийга тегишли экани маълум бўлди. Варшава университети кутубхонасида сақланаётган ушбу девон шоир вафотидан атиги 20 йил ўтиб,1576 йилда кўчирилган.

Шоирнинг энг қадимги девони 1572 йилда кўчирилган бўлиб, мазкур қўлёзма Озарбайжон Фанлар академияси ҳузуридаги Фузулий номидаги Қўлёзмалар институти фондида сақланади. Девоннинг 1581 йил кўчирилган нусхаларидан бири Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Россия шарқшунослигига бағишланган докторлик диссертациямни ёзиш чоғида Санкт-Петербург фондларида Фузулий девонининг 11 та нусхаси борлиги аниқланган эди, аммо улар XVII-XIX асрларда кўчирилган. Демак, шоирнинг Польшада сақланаётган девони ҳозиргача топилганлари ичида иккинчи қадимийси ҳисобланади. Фузулий девонларини ҳар гал ўқишга чоғланганимда шоирнинг мана бу мисралари ёдимга тушади:

*Гулистон сари қўюнг китобин боб-боб,*
*эй гул,*
*Хати райҳон ила жадвал чекиб,*
*гулзора ёзмишлар...*

Дарҳақиқат, шоир мисралари хати райҳонда ёзилгани боис, жуда дилбар ва хушмаънодир.

1973 йилда поляк олимаси Станислава Римкевич ЮНЕСКО моддий кўмаги асосида Фузулий ижодига бағишланган китобни нашр қилдиради (Suleymanoğlu Mehmed Fuzûlî Haszysz i Wino z tur przeł Stanisława Płaskowicka Rymkiewicz). Кейинчалик бу китоб олима Гулёр Абдуллабекова томонидан рус тилига ўгирилган, муаллиф сўзбошида Фузулий ижодининг Польшада ўрганилиши масаласига тўхталган.

2012 йилда Озарбайжон ҳукумати ва Фанлар академияси саъй-ҳаракати билан ушбу девоннинг нусхаси олинган, аммо ҳали бошқа девонлар билан қиёслаб ўрганилмаган.

Бизга берилган қисқа вақтдан унумли фойдаланиб, қўлёзманинг айрим бетларини расмга олишга муваффақ бўлдик. Қўлёзма 125 варақ, ҳар саҳифаси 11 қатор, мумтоз анъанага мос дебоча билан бошланган, ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий ва бошқа жанрдаги шеърлардан иборат. Қўлёзма анча уринган, муқованинг баъзи жойлари тешилган, қайта ёпиштирилган варақлар мавжуд.

Галдаги изланишлар Фузулийнинг Польшада сақланаётган девонини тўлиқ ўрганишни, бошқа девонлари билан қиёслашни, фузулийшунослар диққатини бу масалага қаратишни тақозо этади.

Икки йил давомида Европа давлатларидаги изланишларим асосида амин бўлдимки, Румий, Навоий, Бобур, Фузулий, Огаҳий ва бошқа машҳур шоирларимиз яратган ўлмас асарлар туркий халқларнинг умумий интеллектуал маънавий бойлигидир. Мен кўрган фондларнинг бирортасида улар ўзбек, туркман ёки озарбайжон шоири деб ажратилмаган, “Туркий қўлёзмалар” умумий номи остида сақланади. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг қатор вазифаларида ҳам умумтуркий дурдоналаримизни айнан бирлашиб ўрганиш масаласи кўндаланг қўйилган.

Инновацион лойиҳамиз асосида изланишларни давом эттирар эканмиз, келгусида лойиҳа давомида қўлга киритиладиган илмий ютуқлар ва натижалар ушбу йўналишда амалга ошириладиган юзлаб илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА**
**суҳбатлашди.**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 09:30 Топширилди — 10:10